

O'zbekiston Respublikasi Fanlar akademiyasi
Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси



ЎЗБЕК ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ

О‘ЗБЕК ТИЛИ ВА АДАБИЙОТИ

2 / 2016



ALISHER NAVOIY NOMIDAGI
TIL VA ADABIYOT INSTITUTI
АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ
ТИЛ ВА АДАБИЁТ ИНСТИТУТИ

uzbek tili va adabiyoti

ЎЗБЕК ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ

Журналга 1958 йил январда
Ойбек асос солган

Бир йилда олти марта чиқади

2
2016

Ўзбекистон Республикаси
Фанлар академияси
Алишер Навоий номидаги
Тил ва адабиёт институти

Тошкент – 2016

Бош муҳаррир:
Низомиддин МАҲМУДОВ

Таҳрир ҳайъати:
Эркин АЪЗАМОВ,
Раҳматулла БАРАКАЕВ,
Маматқул ЖЎРАЕВ,
Наим КАРИМОВ,
Абдуваҳоб МАДВАЛИЕВ (бош муҳаррир
ўринбосари),
Неъмат МАҲКАМОВ
Тўра МИРЗАЕВ (бош муҳаррир
ўринбосари),
Бахтиёр НАЗАРОВ (бош муҳаррир
ўринбосари),
Абдулла ОРИПОВ,
Эргаш ОЧИЛОВ (масъул котиб),
Эргаш УМАРОВ,
Бердак ЮСУФОВ,
Иброҳим ҲАҚҚУЛОВ

CONTENTS

Literary studies

M.Juraev, Sh.Turdimov. Great researcher of Uzbek epos	3
I.Hakkul. Image of spiritual defeat in the novel "Mehrobdan chayon"	13
R.Abdullaev. Munzhik Termiziy and his literary heritage	20
A.Eshanbabaev. Durishin and some problems of comparative literature	25

Linguistics

D.Nabieva. Regarding to problem of consonants classification	32
D.Khudayberanova. Regarding to compile the explanatory dictionary of Uzbek poetonyms	36
Y.Adilov. Semantical development in the lexis of the Independence period	41

Scientific information

R.Mullakhodjaeva. Ideological and literary changes in the literature generation and poetry	46
N.Muhiddinova. About literary skills of Gazi	51
G.Ashurova. Image of Navoi in poetry of Independence period	56
U.Nazarov. Description of symbolic place in novel "Plato"	59
M.Zikrullaev. The rhymes of Vasliy in the press	65
A.Tashpulatov. About poetic short stories	69
F.Rajapova. Word usage skill of Erkin Azam	73
F.Burkhanova. Interpretation of lyric hero's spirit in the rhyme	76
I.Bekjon. About one beit interpretation	80
X.Jabborov. Etymology of the word "Dehqon"	81
U.Lafasov. Folklore traditions in Abdulla Kadiriyy's poems	85
M.Umurzoqova. Linguistic peculiarity of segmentation	89
O.Eshonqulov. Linguistic neutralization in the Uzbek pronouns	93
B.Mirsanov. Regarding to some fish names	97
G.Ganieva. Expression the appreciation of relation through interjections	101
A.Urolov. Incompatibility in the morpheme structure of word	105

The leaders of science

T.Mirzaev, A.Madvaliev. Suyun Qoraev	108
I.Azimov, M.Rakhmatov. Samikhon Ashirboev	112
H.Homidiy. Fozila Sulaymonova	115
A.Madvaliev, N.Mahkamov, Z.Mirahmedova. Renat Doniyarov	118

Criticism. Review. Bibliography

O.Juraboev. Aspects of textology	121
F.Sapaeva. New translations of Makhtumquli rhymes	123

Scientific life

Tura Nafasov	126
---------------------------	-----

МЧЖ «ИПАК YO'LI POLIGRAF» босмахонасида чоп этилди. Буюртма №06

Манзила: 100170 Тошкент. Авайхон кўчаси, 98А-уй.

Қоғоз бичими 70x108 ¹/₁₆. Офсет босма.

Офсет қоғози. Агно Про гарнитураси.

Шартли-босма т. 8,25. Тиражи 650 нусха. Келишилган нарҳда

Гулчехра ҒАНИЕВА

УНДОВ СЎЗЛАР ОРҚАЛИ БАҲО МУНОСАБАТИНИНГ
ИФОДАЛАНИШИ

(ўзбек ва инглиз тиллари мисолида)

Маълумки, XX асрнинг сўнгги чораги тилшуносликда янги лингвистик йўналишларнинг шаклланиши даври бўлди. Бу даврда юзага келган янги лингвистик йўналишлардан бири лингвопрагматика бўлиб, унда тил эгасининг нутқ объектига муносабати, тилнинг мулоқот муҳити, контекст, нутқ эгаларининг тил ҳақидаги умумий билим ва кўникмалари каби ташқи омиллар билан боғлиқ томонларини ўрганишга жиддий эътибор берилди.

XXI асрда жадаллик билан ривожланаётган лингвопрагматиканинг долзарб масалаларидан бири тил сатҳининг прагматик хусусиятли бирликларини саралаш, уларни матн таркибида мулоқот эгаларининг уҳияти, ташқи оламга муносабати, нутқ объекти ҳақидаги билимлари, мулоқот вазияти, контекст каби нолисоний омиллар билан боғлиқ ҳолда тадқиқ этиш асосида умумий ва фарқли жиҳатларини белгилаш муаммосидир. Тил сатҳининг мана шундай прагматик бирликлари сирасига ўзбек ва инглиз тилларидаги ундов сўзлар киради. Бу бирликларнинг умумий прагматик усусиятларини аниқлаш, уларнинг ўзига хос фарқли жиҳатларини қиёсий спектрада текшириш чоғиштирма тилшуносликнинг муҳим муаммоларидан бири ҳисобланади.

Маълумки, ундов сўзлар тил эгаларининг ҳиссий кечинмаларини, буйруқ-хитобларини ифодаловчи сўзлар гуруҳидир. Тил эгалари ҳиссий кечинмаларини ифодалаш жараёнида воқеликка нисбатан эмоционал баҳоларини ҳам акс эттирадilar. Бундай ҳолатда нутқий фаолият тил эгасининг коммуникатив мақсади ва истаги билан боғлиқ ҳолда амалга ошади. Нутқий фаолиятда ундов сўзларнинг нутқ эгалари мақсади ва истагини ифода этиши уларнинг лингвопрагматик тадқиқ объекти эканлигидан далолат беради.

Мулоқот муҳитида ундов сўзларнинг ранг-баранг прагматик вазифалари юзага чиқади. Ундов сўзлар нутқ эгасининг субъектив баҳо муносабатини ифодалаб келганда ҳам прагматик вазифа бажаради. Тилда модалликнинг ифодаланиши масаласига муносабат билдирган Е.Е.Корди ундов сўзларга турли лугавий бирликлар орқали ифодаланувчи эмоционал баҳонини модалликнинг алоҳида тури сифатида ажратади¹.

Дарҳақиқат, ундов сўзлар орқали ифодаланувчи эмоционал баҳо субъектив модаллик категориясига хос. Нутқ эгаси воқеликни тилга сўчирад экан, юзага келган ҳиссий кечинмаларини ифода этиш жараёнида шбу воқеликка шахсий муносабатини ҳам билдиради. Натижада ифода этилаётган ахборотда субъектив муносабат шаклланади. Ундов сўзлар орқали ифодаланган бундай баҳо муносабати прагматик аспектга алоқадор ҳодисадир.

Ўзбек ва инглиз тилларида эмоционал ундов сўзлар орқали субъектив баҳо анча ёрқин акс этади. Бу турдаги ундовлар буйруқ-хитоб ундовларидан

¹ Корди Е.Е. Модальные и каузативные глаголы в современном французском языке. М.: Наука, 1988. С.13.

нутқ эгасининг руҳий ҳолати билан боғлиқ тарзда турли хилдаги ҳиссиётлари (қувончи, қайғуси, таажжуби, гумони, эътирози кабилар)ни ифода этиши жиҳатидан фарқланади. Эмоционал ундовларнинг ҳиссий кечинмаларни акс эттириш жараёнида баҳо муносабатини ҳам ифода этиши тил эгасининг эмоционал баҳо ифодасига бўлган эҳтиёжи ва мақсади билан боғлиқ ҳолда кечади.

Маълумки, ҳар қандай субъектив баҳо салбий ёки ижобий характерда воқеланади. Тилшунослиқда «сўзловчининг объектив борлиққа ва ўз нутқига ижобий ёки салбий муносабатининг ифодаланиши субъектив баҳо»² сифатида тавсифланади. Воқеликнинг нутқ эгаси нуқтаи назаридан ижобий деб қабул қилинган томонига муносабат билдирилганда субъектив баҳо ижобий тус олади, воқелик нутқ эгаси томонидан салбий ҳодиса сифатида идрок этилганда унга муносабат салбий характерда бўлади. Ш.Сафаровнинг фикрича, баҳолаш ҳаракатининг мантиқий асосида эмоция интенцияси ётади, баҳолаш дастлабки ўринда субъект-объект муносабатида, яъни субъект томонидан объектнинг муҳимлиги, эътиборга моликлиги, миқдор ва сифат жиҳатидан ажралиб туришини аниқлаш жараёнида ҳосил бўлади, ушбу жараёнда субъект объектнинг баҳоланаётган хусусиятини идеал намуна ёки меъёрга қиёслайди ҳамда ушбу меъёрга қай даражада мос келиши ёки узоқлашишига нисбат беради, ниҳоят, барча «ўлчов»лар босқичидан ўтган баҳо лисоний белги воситасида воқеланади³. Ундов сўзлар ҳам воқелик нутқ эгаси томонидан идеал намуна сифатида баҳоланган вақтда ижобий муносабатни, меъёрдан узоқлашган ҳолларда эса салбий баҳо муносабатини вербал ифодаловчиси сифатида прагматик вазифа бажаради. Бу ҳолат нутқ эгасининг руҳий ҳолати ҳамда воқеликни қандай идрок этиши кабиларга ҳам боғлиқ. Масалан, ўзбек тилидаги *оҳ* ундови ҳам салбий, ҳам ижобий баҳо муносабатини ифодалай олади. Қиёсланг:

– *Оҳ, отинг ҳам ўзингга ўхшаши чиройлик экан...* (А.Қодирий. «Меҳробдан чаён»)

Оҳ, золим фалак! (Аббос қўлидан олган ханжарга қараб) У лаънати сизга тикқан шу ханжар тигин, Абдулатиф исми бунга ёзуглик экан! (М.Шайхзода. «Мирзо Улугбек»)

Эътибор берилса, биринчи мисолда қўлланган *оҳ* ундови нутқ эгасининг кучли ҳиссиётини ифода этиш билан бир қаторда, ижобий баҳосини ҳам акс эттирган, кейинги мисолда эса бу ундов сўз нутқ эгасининг воқеликка нисбатан салбий муносабатини ифода этишга қаратилган. Салбий муносабат матнда қўлланган *лаънати* лексемаси орқали янада кучайган. *Оҳ* ундовининг ҳар икки нутқий қўлланишда турли прагматик маъноларни ҳосил қилиши тил эгасининг руҳий ҳолати ва коммуникатив мақсади билан боғлиқ.

Инглиз тилида ҳам *Oh* ундов сўзлари ҳам салбий, ҳам ижобий баҳони ифодалаш учун қўлланади. Қуйидаги мисоллар таҳлилига эътибор қаратамиз:

“There is a chance. Oh, yes! But if he spoke it would mean that all this world would end now”. (“Зўр имконият-ку. Оҳ, ҳа! Унинг айтишига караганда, бу барчаси тамом дегани”). “Oh, I don’t know. Perhaps it means ‘I’m beastly

² Қўнғуров Р. Субъектив баҳо формаларининг семантик ва стилистик хусусиятлари. Тошкент: Фан, 1980. 42-бет.

³ Сафаров Ш. Прагмалингвистика. Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2008. 184–185-бетлар.

ed. It's great nonsense," he repeated". ("Оҳ, биладим. Балки бу менинг 'ит'
оби чарчаганимдан далолатдир. Бекорчи гап" деб такрорлади") ("THE
FINEST STORY IN THE WORLD". Rudyard Kipling.18.page).

Ўзбек ва инглиз тилларидаги матнлар таҳлилидан маълум бўладики, нутқ
асининг ундов сўзлардан фойдаланган ҳолда воқеликка баҳо муносабатини
ифода этиши турли тилларда сўзлашувчилар учун бирдек хос. Аммо
баҳо ифодалашнинг турли тилларда, хусусан, ўзбек ва инглиз тилларидаги
юситалари ўзига хос ва тубдан фарқ қилади.

Шуниси характерлики, ўзбек ва инглиз тилларида ундов сўзлар орқали
қосил қилинган баҳо муносабати, асосан, хусусий муносабат тарзида юзага
килади. М.Ҳакимов матнда акс этган эмоционал муносабат ҳақида фикр
юритар экан, қуйидагиларни баён қилади: «шахс нутқни ҳосил қилишда
фақат унинг мавзуси билан қизиқиб қолмасдан, нутқ жараёнида ўз ҳис-
уйғуларини ҳам билдиради. Нутқ жараёнидаги ҳис-уйғулари ва ички
кечинмаси шахснинг хусусий муносабати сифатида шаклланади... Хусусий
моционал муносабат, албатта, матн муаллифининг руҳий ҳолатидан келиб
килади ва бевосита матн мазмунидан англашилиб туради»⁴.

Ундов сўзлар орқали нутқ эгасига хос қандай хусусий муносабат ифода
тилгани мулоқот муҳити, контекст асосида белгиланади. Бу масалага
муносабат билдирган Д.Лутфуллаева, Л.Бобохоновлар қуйидагиларни
зишади: «Ундов сўзларнинг нутқ субъектининг коммуникатив нияти
билан боғлиқ ҳолда прагматик мазмунни ҳосил қилишда муайян микроматн
(минимал контекст) муҳим ўрин тутади. Чунки бундай контекст, ҳеч
қўлмаганда, нутқ иштирокчилари, нутқий вазият, мулоқот жараёни амалга
ширираётган замон ва макон, нутқ объекти, сўзловчининг воқеликка ҳамда
ахборот мазмунига муносабати кабилар ҳақидаги энг кичик маълумотни
ўзида жамлайди. Агар ундов сўзнинг прагматик маъноси сўзловчининг
коммуникатив нияти асосида шаклланса, бу каби минимал контекстга эҳтиёж
тутилади. Агар нутқ иштирокчилари айни контекст билан боғланмасалар,
ундов сўзнинг кўзда тутилган прагматик маъносини англаб етмайдилар»⁵.

Маълум бўладики, ундов сўзнинг прагматик маъноси нутқ эгасининг
коммуникатив ниятига боғлиқ ҳолда шаклланса, ундов сўз ифода этган
прагматик мазмунга фақат контекст асосида аниқлик киритилади. Ш.Сафаров
ҳам бу ҳақда фикр юритар экан, инглиз тилидаги айрим ундов гапларда
акс этган эмоционал баҳони матнсиз белгилаб бўлмаслигини баён қилади:
«Шу ўринда эмоционал баҳо бериш воситаси бўлган гапларнинг ҳақиқий
мазмунини матнсиз аниқлаш қийин вазифа эканлигини эслатмоқчиман.
Бинобарин, инглиз тилидаги *What a life that is!* ундовини интонациянинг
ўзгариши ҳамда қайси вазиятда қўлланишига нисбатан «Қандай яхши
ҳаёт!» ва «Қандай ёмон ҳаёт!» муқобиллигида таржима қилиш мумкин»⁶.

Ундов сўзлар орқали ифодаланган баҳо муносабатини нутқ эгасининг ҳиссий
кечинмаси асосида, у орқали ҳосил бўлар экан, ахборотни қабул қилаётган
тинглаовчи ҳам мавжуд ҳиссий кечинма ва у орқали баён қилинаётган

⁴ Ўша ерда. 184–185-бетлар.

⁵ Лутфуллаева Д., Бобохонов Л. Ундов сўзларнинг прагматик хусусияти //
Адабий таълим ва ёшлар тарбияси. Тошкент: ТДПУ, 2010. 106–108-бетлар.

⁶ Ҳ а к и м о в М. Ўзбек тилида матннинг прагматик талқини. ДД. Тошкент, 2001.
34–35-бетлар.

эмоционал баҳони аниқ идрок этиши лозим бўлади. Агар ундов сўзлар орқали ифода этилаётган ҳиссий кечинма ва эмоционал баҳо тингловчи томонидан турли сабабларга кўра (тилни билмаслик, тил бирлигининг прагматик имкониятини ҳис қилмаслик кабилар) идрок қилинмаса, ундов сўзнинг мулоқот муҳотида юзага чиқаётган коммуникатив-прагматик вазифасига тўғри баҳо берилмайди.

Ундов сўзлар орқали ифодаланган эмоционал баҳо имплицит тарзда ифодаланган ҳолларда ҳам шу ҳолат кузатилиши мумкин. Эмоционал баҳо имплицит тус олган ҳолларда унга фақат контекст асосида аниқлик киритилади. Бундай вақтда ундов сўзлар матннинг имплицит бирлигига айланади. Қуйидаги микроматнга эътибор қаратамиз:

Мен базм бўлаётган майдон орқали ўтмоқчи бўлиб, девор раҳнасидадан ошиб тушдим... Ўҳ-ҳў-ў-ў, майдон ичи кундузгидек ёруғ, дарахт шоҳларига чироглар осилган, ерларга ипак гиламлар ёзилган. Бир чеккага катта оқ самоварлар қўйилган, бир тарафда катта қозонлар қурилган, жаз-биз давом этар эди. Майдоннинг ўрта ерида юз чоғли ёш-қари кишилар қуришалиб ўлтириб, дутор, танбур, чилдирма, ногоралар чалиб базм қилар эдилар. (А.Қодирий. «Жинлар базми»)

Ушбу матнда қўлланган ўҳ-ҳў-ў-ў ундов сўзи орқали нутқ эгасининг ҳайрати, таажжуби билан бирга, «Бунақа майдонни умримда кўрмаганман» тарзидаги имплицит хабари ҳам акс этади. Нутқ эгаси мавжуд воқеликни идрок этиш жараёнида юзага келган ҳиссиётини беихтиёр ифода этар экан, кўз олдида намоён бўлган ушбу воқеликка шахсий муносабатини ҳам изҳор этади, натижада узатилаётган ахборотда субъектив муносабат шаклланади.

Хуллас, ўзбек ва инглиз тилларидаги ундов сўзлар нутқда ўзига хос прагматик вазифалари билан қатнашади. Бу туркум сўзлар орқали нутқ эгасининг хусусий субъектив баҳоси ифода этилганда салбий ёки ижобий характердаги муносабат юзага чиқади. Ҳар икки тилдаги ундов сўзлар субъектив баҳонинг ёрқин акс этиши жиҳатидан ажралиб туради.

РЕЗЮМЕ. Мақолада ўзбек ва инглиз тилларидаги ундов сўзлар орқали нутқ эгасига хос субъектив баҳонинг ифодаланиши масаласига муносабат билдирилади, баҳо муносабатининг хусусий, салбий ва ижобий, имплицит характерга эга бўлиши, уни прагматик омиллар орқали аниқланиши таҳлил этилди.

РЕЗЮМЕ. В статье рассматривается проблема выражения субъективной оценки говорящего с помощью междометий в узбекском и английском языках, анализируется частный, отрицательный и положительный, имплицитный характер субъективной оценки, их определение с помощью прагматических факторов.

RESUME. The paper studies the problem of the expression of subjective appreciation of the speaker with the help of interjections in the Uzbek and Russian languages, analyzes private, positive and negative, implicit character of subjective appreciation of their determination by pragmatic factors.

Таянч сўз ва иборалар: лингвопрагматика, ундов сўзлар, баҳо муносабати, хусусий баҳо, салбий баҳо муносабати, ижобий баҳо муносабати.

Ключевые слова и выражения: лингвопрагматика, междометия, оценочное отношение, частная оценка, отрицательная оценка, положительная оценка.

Key words and word expressions: lingvorogmatics, exclamatory sentences, value, positive and negative value.